



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 15-iyul • Payshanba • 82 (31.202) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

*«Хар қайси сиёсий партиянинг жамиятимиздаги кучи уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда таклиф этган ва амалга ошираётган дастурларининг таъсири ва уларни қўллаб-қувватлаётган тарафдорлари сони билан ўлчанади.*

*Бинобарин, партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча жонлантириб, кенгайтириб борса, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислоҳот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади».*

## ТАШАББУС ВА ФАОЛЛИК

### ЎзХДП ҳаёти

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва парламентдаги партия фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор партия ва унинг парламентдаги фракцияси ҳамда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик бирлашмалари фаолиятини янада кучайтириш вазифаларига қаратилди.

Парламент фракцияси ишида ташаббускорликни ошириш сиёсий партиялар олдида турган муҳим вазифалар сирасига киради. Айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасидаги иштирокини кучайтириш ҳамда депутатлик бирлашмаларининг қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан назорат қилишдаги ролини ошириш гоёта муҳим аҳамиятга эга. Шунинг билан қўшма йиғилиш Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ва халқ депутат-

лари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП гуруҳларининг партия сайловолди дастурий мақсадларини изчил амалга ошириш масалаларига эътибор қаратди. Таъкидлаш керакки, 2010 йилнинг март-апрель ойларида партия минтақавий ва маҳаллий кенгашлари пленумларида Ҳаракат дастури тасдиқланган эди. Вилоят ва туманлардаги партия кенгашлари ўз олдида қўйган мақсад ва вазифаларини электрот манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириб келмоқда.




→2

Энцидулла НУРМУРДОВ олган суратлар.

ЎзХДП Марғилон шаҳар кенгаши Жамоатчилик қабулхонасида...	→2
190 га яқин ҳолатларда 1.3 млрд. сўм қийматдаги салкам 22 кг. тилла ва заргарлик буюмлари контрабандасига чек қўйилди	→3
Барқамол авлод йилида Шўрчи туманида муҳташам спорт маскани ёшлар ихтиёрига берилди	→4
Дон заҳматқаш деҳқонларнинг ҳалол меҳнатлари билан өтиштирилади. Наҳотки буни нон тарзида истеъмолчиларга өтказиб берувчилар ҳис қилишмайди?	→4

Ўзбекистонда турли жабҳаларда, жумладан, энергетика, банк-молия ва автомобил-созлик соҳаларида, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг қўламдаги ислоҳотлар ва қўлга киритилаётган ютуқларга ҳавас қилса арзийди». Сауд СИДДИҚИЙ, (Ҳиндистон)

## ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИ — ЮҚОРИ САМАРА ОМИЛИ



→2

### Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида иқтисодиётнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини, унинг самарадорлиги ва макроиқтисодий мувозанатлашганини таъминлаш вазифаси белгиланган. Бунда, биринчи навбатда, замонавий ресурс ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳисобидан иқтисод қилиш тартибини қатъийлаштириш кўзда тутилмоқда.

### Равшан ЭРМАТОВ:

## «ХАЛҚИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАГАНИМИЗДАН БАХТИЁРМИЗ»


**Ифтихор** ■ Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида футбол бўйича XIX жаҳон чемпионати баҳслари якунланганига бугун тўрт кун бўлди. Дунёнинг турли гушаларида миллионлаб мухлису мутахассислар ҳамон чемпионат таассуротлари билан яшамоқда. Гарчи, унда Ўзбекистон миллий терма жамоаси иштирок этмаган бўлса-да, халқимиз жаҳоннинг энг кучли ўттиз икки мамлакати футболчилари тўп сурган бу нуфузли мусобақани ҳар қачонгидан-да зўр иштиёқ ва қизиқиш билан кузатиб борди. Чунки жаҳон чемпионати учрашувларида ҳамюртимиз ФИФА рефериси Равшан Эрматов бош ҳакамлик қилган бўлса, яна бир вакилимиз лансмен Рафаэль Илёсов унга кўмаклашди.



→4

Шуниси қувончлики, бугун Мўйноқ қалъасида қайноқ ҳаёт ҳукмрон. Нимага десангиз, мана, уч ойдири, Амударё тўлиб-тошиб оқмоқда. У Мўйноқ атрофидаги қўлларни тўлдириб, қалъани уч тарафидан сув билан ўраб олди. Сирдарё ўзанидан оқиб келаётган сув Амударёга қўшилди, эндиликда дарё суви Орол денгизига бориб қуйилмоқда.

→3



Бугун Орол бўйида!..

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 13 ИЮЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1401,47	1 Инер фунти	281,00	1 СДР	2394,52	10 Жанубий Корея вон	13,37
1 Англия фунт стерлинги	2405,19	1 Канада доллари	1553,06	1 Туркия лираси	1032,50	10 Япония йенаси	179,70
1 БАА дирхам	435,79	1 Ҳитой юани	236,39	1 Швейцария франки	1516,85	1 Россия рубли	51,97
1 АҚШ доллари	1600,58	1 Малайзия ринггити	500,65	1 Евро	2016,99	1 Украина гривнаси	202,46

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ОБ-ҲАВО	15-16.07.2010	
	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀ 39°C	☀ 40°C
Самарқанд	☀ 40°C	☀ 41°C
Нукус	☀ 35°C	☀ 36°C
Қарши	☀ 40°C	☀ 41°C
Урганч	☀ 35°C	☀ 36°C
Навоий	☀ 39°C	☀ 40°C
Фарғона	☀ 37°C	☀ 38°C
Бухоро	☀ 40°C	☀ 41°C
Андижон	☀ 37°C	☀ 38°C
Наманган	☀ 37°C	☀ 38°C
Термиз	☀ 41°C	☀ 42°C
Жиззах	☀ 37°C	☀ 38°C
Сирдарё	☀ 37°C	☀ 38°C
Тошкент вил.	☀ 37°C	☀ 38°C
Лондон	☁ 25°C	☁ 27°C
Париж	☁ 24°C	☁ 26°C
Москва	☁ 30°C	☁ 31°C
Мадрид	☁ 31°C	☁ 33°C
Пекин	☁ 35°C	☁ 37°C
Гонгконг	☁ 39°C	☁ 41°C
Рим	☁ 29°C	☁ 31°C
Анқара	☁ 31°C	☁ 32°C
Токио	☁ 26°C	☁ 29°C
Стокгольм	☁ 29°C	☁ 30°C
Кейптаун	☁ 14°C	☁ 12°C
Қоҳира	☁ 25°C	☁ 23°C
Гавана	☁ 33°C	☁ 36°C
Вашингтон	☁ 27°C	☁ 25°C

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

# Ташаббус ва фаоллик

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Чунончи, Жиззах вилоятининг Арнасой, Наманган вилоятининг Мингбулоқ, Хоразм вилоятининг Гурлан туманлари кенгашларидаги партия гуруҳлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга ғамхўрлик кўрсатиш, янги иш ўринлари яратиш, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кичик ва хусусий корхоналар тармогини ривожлантириш, касаначилик шакллари таъминлаштириш, кўп болали оилалардаги хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига эътибор берилди.

Лекин айрим ўзХДП депутатлик бирлашмалари Олий Мажлис палаталарининг январь ойида бўлиб ўтган қўшма йиғилишида белгиланган устувор вазифаларни бажариш ўрнига ҳали ҳам қўл қовуштириб ўтиришди. Шу муносабат билан йиғилишда мавжуд камчиликларга танқидий баҳо берилиб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар белгиланди. Иштирокчиларнинг қарорларини парламентдаги фаолияти самарадорлигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди.

Шунингдек, «Қонунчилик палатасида»

ги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари, партиянинг маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик бирлашмалари ва маҳаллий партия кенгашларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисида» семинар ўтказилди.

Унда парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларига оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик, жумладан, партияимиз наشرлари имкониятидан самарали фойдаланиш тўғрисида тавсиялар берилди. Телевидение ва радио учун интервью бериш ва уни ташкил қилиш, матбуот учун материал тайёрлаш бўйича тренинглари ўтказилди.

Қўшма йиғилишда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Л.Ғуломов, ўзХДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси раиси У.Вафоев, Марказий Кенгаш раиси ўринбосари Ш.Абдуллаевларнинг маърузалари тингланди. Йиғилиш якунида иштирокчиларнинг фикр ва тақлифлари асосида Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси ҳамда парламентдаги партия фракцияси тегишли қарорлар қабул қилди.

Элмурод ЭГАМКУЛОВ

Тадбир ҳақида газетанинг кейинги сонида батафсил танишишигиз мумкин.

## ЎзХДП ҳаётидан

**Фаргона вилоят партия кенгаши** шаҳар, туман партия кенгашлари раислари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари ҳамда партия фаоллари иштирокида «Электротар манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаштириш» мавзусида семинар ўтказди.

Унда электротарни қийнаётган масалаларни ҳал қилишда депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан самарали фойдаланиш мумкин аҳамиятга эгалиги таъкидланди. Ҳар бир депутат ўз ваколатидан фойдаланган ҳолда электротар муаммоларини ҳал этишга хизмат қилувчи тақлифлар киритиш ва депутатлик сўровини амалга оширишда ташаббускор бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Семинарда, шунингдек, Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатлар ечимини топиш масаласида фаол депутатларнинг амалий тажрибалари билан танишилди.

**Оҳангарон шаҳар партия кенгаши**, «Қамолот» ЕИХ Оҳангарон шаҳар кенгаши, Тошкент вилоят Хотин-қизлар қўмитаси ва «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси Оҳангарон шаҳар таянч масканни ҳамкорлигида «Гибҳандисиз келажақ сари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда ёшлар орасида учраётган қашандалик, токсикомания, наркомания ва уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида батафсил маълумот берилди. Гибҳандлик ва ОИТСнинг киши ҳаётига нақадар катта хавф экани

ҳақида тўхталиб ўтилди.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Оҳангарон шаҳар бўлими етакчиси М.Эргашева ёшларнинг зарарли иллатларга берилиши оқибатлари нималарга олиб келаётгани, бу хатти-ҳаракат нафақат оила муҳитига, балки жамият ҳаётига ҳам катта хавф туғдириши ҳақида сўзлаб, ёшларга оид сиёсатнинг таъсирчанлигини ошириш зарурлигини таъкидлади. Тадбирда иштирокчиларга гибҳандликнинг зарарли иллатлари очиқ берилган маълумотлар тарқатилди.

**Қашқадарё вилоят партия кенгаши** ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда хотин-қизлар ўртасида касаначиликни ташкил этишда «Фаол аёллар» қанотининг вазифалари муҳома қилинди. Вилоят аёлларининг меҳнат билан бандлиги, хусусан, янги иш ўринлари очиш масаласида қанотнинг иштироки суғулиги таъкидланди. Шунингдек, маҳаллаларда касаначилик асосида фаолият юритаётган хотин-қизларга меҳнат дафтарида юритиш билан боғлиқ ишларни партия фаоллари ва депутатлар назоратига олиш, ўрганиш ва бу ҳақда ҳуқуқий маслаҳатлар беришга алоҳида эътибор қаратилди.



Сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этилуви ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиш даркор.

## Жамоатчилик қабулхоналарида

Робияхон Қурбонова бирон-бир партия аъзоси эмас. Аммо ўзи яшайдиган «Ватан» маҳалла фуқаролари йиғинида ўзХДП худудий бошланғич партия ташкилотни ташкил этган тадбирларда мунтазам қатнашади.

— Бу партиянинг мақсад ва ғоялари меннинг тақдиримга ҳамроҳ экан. Шунинг учун баъзида ҳатто шаҳар партия кенгашининг анжуманларида ҳам хайрихоҳ сифатида иштирок этаман, — дейди Робияхон Қурбонова. — Менда, айниқса, шаҳар кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонаси катта таассурот қолдириди. Бу ерга истатган вақтда, истилаган масалада мурожаат қилиш мумкин экан. Робияхоннинг бир ўғли но-

# Амалий ҳаракатлар

### партияга ишончни оширади

гирон бўлиб, уйда таълим оларди. Кўплаб китоб ўқиган, илмга чанқоқ бола.

— Компьютерим бўлганида интернет орқали бутун оламга чиқардим, — дерди у.

Она Жамоатчилик қабулхонасида келганида ўзининг бу орузи ҳақида ийманибгина сўз очди.

— Ногирон бўлса-да, ўз устиде ишлашга шунчалар иштиқий эър экан, биз албатта ўлингизни қўлаб-қувватлаймиз, — деди Марғилон шаҳар партия кенгаши раиси Муҳаммаднўмон Эгамбердиев.

Шундай қилиб, партия аъзолари ва ҳомийлар кўмагида дунёни биллишга интилувчан ўқувчига компьютер совға қилинди.

Бундай мисоллар Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти-

да ягона эмас. Марғилондаги «Янги ҳаёт» маҳалласида яшовчи Ҳасанхон Маъмуров худудда бўш ётган салкам бир гектар ерни хашар йўли билан болалар спорт майдончасига айлантириш ташаббуси билан чиқди. Партия шаҳар кенгаши масалани ўрганиб, ҳокимиятга мурожаат қилди.

«Агар ҳоким тегишли қарор чиқарса, биз — ХДП фаоллари уни амалга оширишни ўз зиммасизга оламиз», дейилганди мурожаатда. Шу кунларда спорт майдончасини қуриш ишлари қизгин бормоқда.

Улмасхон Абдураҳмонова уй ҳўжатлари сохташлатирилган

# Фаоллар ўқуви

### электротаримизнинг ижтимоий ҳуқуқий билимини ошириш омили

## ЎзХДП ҳаёти

Зарафшон шаҳар партия кенгаши «Ўзбекистон ХДП: ўтган сайловларда эришилган ютуқлар, ҳато ва камчиликлар, депутатлар олдида турган вазифалар» мавзусида сиёсий ўқув ташкил этди. Унда партия шаҳар кенгаши масъул ходимлари, бошланғич партия ташкилотлари, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан шаҳар партия кенгаши раиси Баҳодир Қосимов қонунлар ижроси назорати ва депутатлик масъулияти ҳақида сўз юритди. Семинарда Ўзбекистон ХДПнинг барча тизимларида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш, айниқса, партиянинг бошланғич ташкилотларида тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш, аҳолини ўйлантирган муаммоларни мунтазам ўрганиб бориш, уларни ўз вақтида ҳал этиш масалалари атрофида муҳома қилинди.

Шунингдек, партия фаоллари «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Шўҳрат Ражабов, маънавият ва тарғибот бўлими раҳбари Гаваҳар Воҳидова, Зарафшон шаҳар 1-ихтисослаштирилган мактаб директори Дилфуза Тўхтаева, республика бизнес мактаби Зарафшон филиали мутахассиси Гулнора Улуғова ҳамда бошланғич партия ташкилотлари раислари масала юзасидан тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди. **Жамила ПҮЛАТОВА, Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят Кенгаши бўлим мудир.**

хонасининг 2010 йил иккинчи ярми ва 2011 йилги истиқболли режалар дастурини ишлаб чиқди.

— Биз фуқароларни қабул қилишни жойларга чиқиб, жумладан, маҳаллалар ва меҳнат жамоаларида янада ривожлантириш мумкин. Фуқароларни қабул қилиш жадваллари маҳаллий матбуотда эълон қилинади. Қўшма қабулхона ишига соҳа раҳбарлари ва мутахассисларни жалб этдик. Бу билан кўплаб масалаларни жойида ҳал этиш имкони яратилди, — дейди Муҳаммаднўмон Эгамбердиев.

Бугун мамлакатимизда сиёсий партияларнинг кенг қўламада фаолият кўрсатиши учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд. Гап ким қандай ташаббус кўрсатиб, халқ фаровонлиги, юрт равнақига унумли ҳисса қўшишда қолган. Қайси сиёсий қўшма ишончини эса одамларнинг ўзи яхши билади.

Яқинда ўзХДП Марғилон шаҳар кенгашидан сайланган депутатлар ўртасида Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятини янада ривожлантириш доирасида ижтимоий сўров ўтказилди. Натихада мавзу юзасидан 40 га яқин тақлиф ва мулоҳазалар тушди. Партия шаҳар кенгаши мазкур тақлифлар асосида Жамоатчилик қабул-

лаштирилмоқда. Электр энергиясини истеъмол қилишни автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини амалга ошириш бўйича стратегик шериклик тўғрисида меморандум имзоланди. Корхоналар, хўжалик субъектлари ва маиший истеъмолчиларга ушбу тизимни жорий қилиш технологик йўқотишларни камайтириш, барча электр ресурсларини етказиб бериш тизими бўйича аниқ ҳисоб-китоб олиб боришни таъминлайди. Тизимнинг қулай ишлаш тартиби ёқилги-энергетика ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш имконини беради.

Лойиҳани бир йил давомида амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, унинг қиймати 34,8 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур янгилик йилга 2,75 миллиард килловатт-соат электр энергиясини тежаш ҳамда ҳар йили 1,9 миллион тонна бугхона газларини қисқартириш имкони беради. Тежалган энергия қиймати йилга 125 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Дастурни «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаш режа-

Мамлакатимизнинг йирик ишлаб чиқариш ва илмий-техника салоҳиятига эга энергетика тармоғи иқтисодий ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Энергетика тармоғининг асосий стратегик вазифаси мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳолисини самарали, ишончли, сифатли энергия билан таъминлашдир. Шу боис иқтисодий зарур энергия қуввати билан таъминлаш биринчи даражали масала бўлиб, бу ёқилги-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, замонавий электр техника ускуналари, янги технологиялар, ахборот-ўлчов техникасини жорий қилиш орқали энергияни тежаш чора-тадбирларини амалга оширишни тақозо этади.

Янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва мавжуд энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни назарда тутиб энергияни тежаш сиёсатини изчил амалга ошириш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтириш, иқтисодий тармоқларда техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш имконини беради.

Ушбу мумкин вазифаларни бажариш мақсадида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ва Чехиянинг «Inecon Power-Sitronics» компаниялари консорциуми

ўртасида Ўзбекистонда электр энергиясини истеъмол қилишни автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини амалга ошириш бўйича стратегик шериклик тўғрисида меморандум имзоланди. Корхоналар, хўжалик субъектлари ва маиший истеъмолчиларга ушбу тизимни жорий қилиш технологик йўқотишларни камайтириш, барча электр ресурсларини етказиб бериш тизими бўйича аниқ ҳисоб-китоб олиб боришни таъминлайди. Тизимнинг қулай ишлаш тартиби ёқилги-энергетика ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш имконини беради.

Лойиҳани бир йил давомида амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, унинг қиймати 34,8 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур янгилик йилга 2,75 миллиард килловатт-соат электр энергиясини тежаш ҳамда ҳар йили 1,9 миллион тонна бугхона газларини қисқартириш имкони беради. Тежалган энергия қиймати йилга 125 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Дастурни «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаш режа-



**Мутахассисларнинг фикрича, мазкур янгилик йилга 2,75 миллиард килловатт-соат электр энергиясини тежаш ҳамда ҳар йили 1,9 миллион тонна бугхона газларини қисқартириш имконини беради.**

моқларини реконструкция ҳамда модернизация қилиш ишлари, тармоқда комплекс техник сиёсатини самарали амалга оширишда. Компания таркибига 54 корхона ва ташкилот кирди. 38 та инвестиция лойиҳаси тар-

моқни мувозанатли тарзда ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Уларнинг амалга оширилиши энергия тизимининг барқарор ишлашини, истеъмолчиларни ишончли энергия билан таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА МУХБИРИ.

# Тадбирлар таъсирчанлиги билан аҳамиятли

## ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

Тошкент шаҳар партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолияти: тажриба ва муаммолар» мавзусидаги давра суҳбати ташкил этилди.

Унда ФЖҲИ Тошкент шаҳар ахборот-таҳлил маркази илмий ходимлари ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари иштирок этди.

Давра суҳбатини ФЖҲИ Тошкент шаҳар ахборот-таҳлил маркази раҳбари Баҳодир Мамадиев кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Ёшларнинг етакчи ижтимоий соҳалардаги билимдонлиги ва фаолиятини ошириш кўп жиҳатдан сиёсий партиялар фаолияти билан боғлиқ. Партиянинг ҳаракатчан бугунги сифатида «Истиқбол» ёшлар қаноти мамлакатимиз ёшларининг ҳаётига чуқур кириб бориши керак. Бу эса келажақда фуқаролик жамиятининг мумкин асоси, яъни ҳар бир фуқаронинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан фаолиги ва масъуллигини ривожлантиришга хизмат қилади.

— Жорий йил давомида «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари ташаббуси билан 90 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди, унда 9000 нафардан ортиқ ёшлар ахборот-таҳлил Маркази илмий ходими Бунёд Шамсутдинов, — Менинча, ёшларни фаол ижтимоий ҳаётга йўналтирадиган тадбирларни янада кўпайтириш, самарасини ошириш лозим. Бундай тадбирлар ёшларнинг ҳаётий тушунчаларини бойитишга хизмат қилсин.

— Фаолиятимиз мезонини уч йўналиш асосида белгилашга ҳаракат қилаёلمиз, — деди ўзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Жуманиёв Жуманиёв. — Ёшлар билан ишлашда ижтимоий-сиёсий, экология ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ҳамда маънавий-маърифий мавзулар етакчи ўрин тутмоқда.

Бундан ташқари, қанот фаолларининг Жамоатчилик қабулхоналарида фаолият кўрсатаётган депутатларга бириктирилган ёшларни қийнаётган долзарб муаммоларини ўрганиш ва таҳлил қилишда амалий тажриба тўплашга замин яратмоқда. Шу вақтгача Жамоатчилик қабулхоналари 40 нафар ёшдан мурожаатлар қабул қилди, шуларнинг ҳозирча 17 таси ижобий ҳал этилди, энг муҳими, бу ишда фаолларимиз бевосита иштирок этишди.

Давра суҳбати давомида «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолларининг мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалари тингланди. Учрашув баҳс-мунозараларга бой бўлди. Етакчиларнинг жамоатчилик билан самарали ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди, бу борада юзага келаятган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Тўқтин ТҮРАХОНОВ.

# Бугун Орол бўйида!..

**Мўйноқдан репортаж** ■ Бир вақтлар Мўйноқ қалъаси ярим орол кўринишида бўлган. Унинг уч тарафини сув ўраб турган. Орол денгизи ўз неъматлари билан одамларни сийлаган. Ёдимда, ўтган асрнинг олтинчи йилларида Амударё тўлиб оққан. Биз-ку, майли, у пайтда ёш эдик, аммо кўпни кўрган қариялар ҳам бу азим дарёнинг туби бўлмаса керак, деб ўйларди. Етмишинчи йилларга келиб, дарёнинг суви камайди. Орол кўз олдимизда шамдек сўна бошлади. Дарё суви қуригач, йиллар давомида денгиз соҳилдан 120 километр ичкарига чекинди. Айниқса, 1999-2001 йиллар шимолий ўлка учун оғир келди, қурғоқчилик ернинг, экин-тикиннинг силласини қуритди. Ушанда бутун мамлакатимиз аҳолиси бизга таянч ва суянч бўлди.



Мўйноқликлар давлатимиз раҳбарини қорақалпоқ бўлса керак, деб бежиз айтишмаган. Бундан 21 йил муқаддам, Ислон Каримов Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган кунлар дастлаб Мўйноққа ташриф буюрган, одамларнинг дардига дармон, кўнглига малҳам бўлган. Ўтган вақт ичида у киши бошчилигида Оролбўйи аҳолиси саломатлиги, бу ҳудудда экологик аҳолини яхшилаш, Амударёнинг қуйи оқимида хайвонот ва ўсимликлар дунёсини сақлаш борасида кўламли ишлар амалга оширилди. Шуниси қувончлики, бугун Мўйноқ қалъасида қайноқ ҳаёт ҳукмрон.

**Мана, уч ойдири, Амударё тўлиб-тошиб оқмоқда.**  
У Мўйноқ атрофидаги қўлларни тўлдириб, қалъани уч тарафидан сув билан ўраб олди. Сирдарё ўзанидан оқиб келаётган сув Амударёга қўшилди, эндиликда дарё суви Орол денгизига бориб қуйилмоқда.

Мўйноқ тумани аҳолиси азал-азалдан балиқчилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келган. Амударёда сувнинг тўлиби оқиб одамларнинг кайфиятини кўтариб юборди. Ҳамма хурсанд. Чунки бу аввало деҳқончиликка, шунингдек, балиқчилик ва чорвачиликнинг қайта тикланишига, демек, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланишига йўл очиб берди.

— Мўйноқнинг келажаги яхши бўлади, — деди туман овул ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи Кенесбой Қозоқбоев. — Кишиларимизнинг эртанги кунга умид-ишончи кучайди. Дарё оралик сув ҳавзаси, Жалтирбас, Рибачий, Сарибас, Домалак, Макпалкул, Закир каби йўлаб кўллар бугун лиммо-лим. Амударё уларни тўлдириб, яна ўзан очиб денгизга қуйилмоқда.

Балиқ овлаётганларнинг ҳам, деҳқонларнинг ҳам ишлари ўнгидан келяпти. Чорвадорларни-ку, айтмаса ҳам бўлади. Улар ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, ўз соҳасида қувончли ютуқларни кўлга кирапти.

«Амударёбалиқ» ва «Қозоқ-

дарёбалиқ» масъулияти чекланган жамиятлар аъзолари 67 центнердан, жами 851 тонна балиқ овлаб, белгиланган шартнома режасини ошириб адо этишди. Шу кеча-кундузда балиқчилар 1,5 хисса кўп балиқ овлашмоқда.

Мўйноқда балиқни қайта ишлаш цехи барпо этилмоқда. Янги корхона эрта-индин фойдаланишга топширилади. Балиқ шу ерда қайта ишланади.

Меденли овул фуқаролар йиғини ҳудудда Тозабой Низаматдинов, Шамурат Қарлибоев, Бозатау овул фуқаролар йиғини ҳудудда Ергали Аметов, Аскарбой Сейтмамбетов ўз томоғида ноз-неъмат этиштиришда барчага ибрат бўлишди. Мўл ҳосил этиштирилиши бозордаги нарх-наво арзонлашишига замин яратди.

Мўйноқ туманида 11 та овул фуқаролар йиғини бўлиб, жами 5149 оила истиқомат қилади. Уларнинг 140 гектар томоғи бор. Шунинг 20 гектарига картошка, 84,8 гектарига сабзавот, 10 гектарига полиз экинлари экилган.

— Ўтган йили сув танқис

бўлди. Экиндан қутилган ҳосилан ололмадик, — деди Норли-тау овул фуқаролар йиғини ҳудудда истиқомат қиладиган Жалғасбой Мамутов. — Бу йил сув мўл-кўл, Худога шукур. Сабаб-забот, полиз, картошка ва бошқа экинлар баракали ҳосил берди.

Бозатау овул фуқаролар йиғини ҳудудда яшайётган 180 та оила ҳам сувдан оқилона фойдаланиб, мўл ҳосил этиштиришга муваффақ бўлишди. Шағирлик овули боғбонлари эса дастурхонимиз кўржи бўлган мевачева этиштиришди. Айни пайтда улар мева кўчатлари ўтказиб, янги боғ-роғлар барпо этишмоқда. Буларнинг ҳаммасига қадим Амударёнинг яна тўлиб-тошгани, сувнинг кўплиги мухтакам омил бўлмоқда. У барака олиб келмоқда. Мўйноқ туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли фаровонлиги, ҳаёт шўқин тус олиб, деҳқончилик, балиқчилик ва чорвачиликнинг қайта оёққа туршишига замин яратмоқда.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

**Божхона бекати** ■ Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари кўшни давлат фуқароси З.Ҳайдарнинг республикамиз ҳудудига 240 кг. заргарлик буюмларини яширинча олиб киришга уринган пайтда тўхтаб қолди. Аёлнинг қўл сумкасида топилган мазкур тиллаларнинг қиймати 9.5 млн. сўмдан ортқ экан.

## Самовардаги тилла сирға

190 га яқин ҳолатларда 1.3 млрд. сўм қийматдаги салкам 22 кг. тилла ва заргарлик буюмлари контрабандасига чек қўйилди

Шунингдек, вилоят ҳудудидан транзит тарзида ўтаётган «Душанбе-Конибодом» йўналишидаги поезд йўловчиси Ж.Бояков ҳам 38 жуфт тилла сирғани самовар ичига яширган эди. 20 млн. сўм қийматидаги бу заргарлик буюмларининг вази 400 грамми ташкил қилди.

«Тошкент-Дехли» йўналишида сафарга отланган чет эл фуқароси С.Синханнинг қўл юкларини божхона назоратидан ўтказиш чоғида нархи 3 млн. сўмлик, вази 116 грамм бўлган қимматбахо заргарлик буюмлари яширинча олиб чиқилганлиги ошкор бўлди.

«Мюнхен-Тошкент» йўналиши бўйича учиб келган фуқаро П.Лалихон эса қиймати 9 млн. сўмлик бўлган қимматбахо заргарлик буюмларини қўл сумкасига жойлаб, божхоначиларга чап бериб олиб ўтмоқчи эди, лекин сир фаш бўлди.

Истанбулдан учиб келган Д.Маҳамовнинг ҳам қўл юклари орасига вази оз эмас-кўп эмас, нақд 1 кг. 331 грамми тилла сирғи, қиймати қарийб 17 млн. сўмлик қимматбахо заргарлик буюмлари яширилган эди.

Шу йўналиш бўйича учиб келган яна бир фуқаро А.Тўлаганов ҳам қиймати 6 млн. сўмдан ортқ, жами 72 дона қимматбахо заргарлик буюмларини юртимизга яширинча олиб кирмоқчи бўлган.

Ҳозир бу ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари давом этмоқда.

**Давлат божхона қўмитаси**  
**Матбуот хизмати.**

### Хорижда

#### Аҳолини рўйхатга олиш

тадбирдан воз кечмоқчи

■ Маълумки, Буюк Британияда 1801 йилдан бери ҳар ўн йилда аҳолини рўйхатга олиш бўйича махсус тадбир ўтказиб келинади. Эндиликда мамлакат маъмурияти бу аънанадан бутунлай воз кечмоқчи. Негаки, бу амалиёт жуда кўп харажат талаб этади. Бу масала шу ҳафта Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилади.



Британия Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошлиғи Фрэнсис Моднинг айтишича, дейилади «Daily Telegraph» газетаси ахборотида, аҳоли ҳақида маълумотга эга бўлишнинг кўп харажат талаб этадиган эски усули ўрнига янги усуллардан фойдаланиш мумкин. Яъни, мавжуд давлат ва хусусий секторнинг аҳоли ҳақидаги маълумотлар баасидан фойдаланиш мумкин. Ахир сайлов комиссиялари, маҳаллий кенгашлар, ҳукумат реестри, кредит агентликлари, қироллик почтаси сингари муассасалардаги маълумотлар баасини умумлаштирса, аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишга ҳожат қолмайди.

#### 15 минг ходим

ишсиз қолади

■ АҚШнинг фармацевтика бўйича иккинчи гигант корхонаси бўлмиш «Merck & Co» концерни ўз бизнес тизимини ўзгартириш доирасида 15 фоиз иш ўрнини қисқартиришни мўлжаллаб турибди. Бу, — дейилади «The New York Times» газетаси хабарига, — 15 минг ходим ўз иш ўрнидан айрилиши демакдир.



Концерн 8 та тадқиқот лабораториясини ва 8 та дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхонасини ёпишни режалашмоқда. Бу билан у 2012 йилга бориб, 2,78 миллиард доллардан 3,1 миллиард долларгача маблағни иқтисод қилмоқчи.

Концерннинг иш ўрни ва харажатларини қисқартиришига асосий сабаблардан бири ўтган йилги харажатларидир.

Маълумки, ўтган йили ўзининг энг йирик рақиб бўлмиш «Schering-Plough» компаниясидан ўзиш учун 40 миллиард доллардан ортқ маблағ сарфлаган. Энди бу маблағни қандай қайтариб олиш ҳақида бош қотирмоқда.

Ўтган йили концерн 12,9 миллиард доллар миқдорда соф фойда олган. Бу йил биринчи чоракда фойда 79 фоизга камайиб кетган.

#### Навбатлар узунлиги ва...

секин ҳаракатланиши бўйича

■ Европанинг технологиялар бўйича «Mystery Shopping» провайдер хизмати ассоциацияси мутахассислари томонидан ўтказилган тадқиқот-кузатув натижалари шундан далолат бермоқдаки, Европада қараганда Россияда навбатлар энг узун ва энг секин ҳаракатланиши билан алоҳида характер касб этаркан.

«Мая» радиостанцияси хабар қилишича, ассоциация вакиллари Европанинг 18 та мамлакатидagi дўконларда, банкларда, почта бўлинмаларида, дорихоналарда ва бошқа бир қанча сервис хизмати шохобчаларида кузатув ўтказишди.

Маълум бўлишича, Россияда бир миқозга хизмат кўрсатиш учун 27 дақиқа вақт сарфланаркан. Италияда бу кўрсаткич 14 дақиқани ташкил этган бўлса, шведлар деярли навбатда турган эмас экан, яъни бир миқозга хизмат кўрсатиш учун атиги 2 дақиқа кифоя экан, Буюк Британияда 3 дақиқа сарфланаркан.

Умуман, тадқиқотчилар шундай хулосага келдики, дунё бўйича 2009 йилда сервис хизмати кўрсатиш тезлиги 2008 йилдагига қараганда анча секинлашган, навбатда туришлар эса анча кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази жамоаси марказининг Самарқанд вилоятлараро бўлини маси эксперти Ф.А.Абдураҳимовга отаси **Абдураҳим отанин** вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдодлик билдиради.

# Халқ банки: МИЖОЗ, ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТ



### Молия муассасаларида

Банк-молия тизимининг барқарорлигини ҳамда банкларнинг инвестиция фаоллигини ошириш, ресурс базасини яратиш мақсадида аҳоли ва юридик шахсларнинг тижорат банклардаги депозитларга жалб этилаётган маблағлари ҳажми кенгайтирилиши мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бош йўналишларидан бири сифатида белгиланган.



Маълумки, иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларида бўлгани каби, банк-молия тизимида ҳам изчил амалга оширилаётган ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Айниқса, бу борада Президентимизнинг «Тижорат банкларига аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда бўш пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этиш борасида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Ай-тиш жоизки, мазкур қарор республикамиздаги барча молиявий муассасалар қатори Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси учун ҳам кундалик иш мазмунига айланиб, келажакдаги фаолият дастурини белгилаб берди. Буни мазкур молиявий муассасанинг Наманган вилоят филиали томонидан амалга оширилётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.



ларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Президентимизнинг қарори аҳолининг бўш пул маблағларини омонатга қўйиш шартларини янада соддалаштириш билан бирга, имтиёзларини ҳам кенгайтирди, — дейди филиал бошлиғи Баҳодир Жўраев. — Молиявий муассасамиз филиалларида жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш мақсадида аҳоли ўрта-сидда кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилди. Бугунги кунда аҳолига сифатли ва замонавий молиявий хизмат кўрсатиш, банк тизимига аҳоли ишончини янада мустаҳкамлаш асосий вазифалардан биридир. Шу боис Халқ банки томонидан кўплаб жозибадор ва манфатли шартлардаги омонат турлари тақлиф этилмоқда. Чўночи, янги «Антика» муддатли, ютуқли «Омад қувончи», «Мўъжиза», «Умид» ва «Жамгарма» каби омонат турлари аҳолига маъқул бўлаётган. 1 июль ҳолатига кўра ушбу омонатларга 192,8 миллион сўмдан зиёд маблағ жалб этилди, аҳоли депозитлари қолдиғи йил бошидаги-

га нисбатан 651 миллион сўмга кўпайди. Халқ банки Наманган вилоят филиали тизимидаги туман маблағларини уларнинг жойлардаги шохобчалари орқали вилоятдаги мавжуд 760 та маҳалла фуқаро йиғинидаги 852030 нафар оилага шу йилнинг иккинчи чораги мобайлида 40-15 минг беш паррандани боқибга иқтисослашган иккитадан ҳўжаликни ташкил қилиш учун Косонсой туманидаги «Хонақоҳ тайёрлов савдо» масъулияти чекланган жамиятга 150 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Кредит ҳисобига олиб келинган 16000,0 минг беш жўжа ҳозир парваришланмоқда. Шу билан биргаликда, бу ерда 22 та иш ўринлари яратилди. Амалиёт филиалининг ми-жози бўлган «Унхат санаят савдо» корхонасига сок ишлаб чиқариш мақсадида аж-



хизмат кўрсатишга қаратилган. Шу йилнинг 1 июль ҳолатига вилоят бўйича жами кредит қўйилмаларининг миқдори 48034,8 миллион сўмни ташкил этди. Вилоятнинг ҳар бир туманида 10-15 минг беш паррандани боқибга иқтисослашган иккитадан ҳўжаликни ташкил қилиш учун Косонсой туманидаги «Хонақоҳ тайёрлов савдо» масъулияти чекланган жамиятга 150 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Кредит ҳисобига олиб келинган 16000,0 минг беш жўжа ҳозир парваришланмоқда. Шу билан биргаликда, бу ерда 22 та иш ўринлари яратилди.

Амалиёт филиалининг ми-жози бўлган «Унхат санаят савдо» корхонасига сок ишлаб чиқариш мақсадида аж-

ратилган 70 миллион сўм кредит ҳисобига 8 та янги иш ўрни ҳам яратилди. Ҳозирги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган 5-6 турдаги яхна ичимликлар аҳолига арзон нархларда етказилмоқда. Косонсой туманида эса аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида «Бадахшон зилола» хусусий корхонаси билан тузилган шартномага асосан «Молиявий супермаркет» ташкил этилди. Эндиликда бу супермаркетда аҳоли истеъмол кредитлари ҳисобига арзон ва сифатли уй-ўрғор буюмлари билан таъминлаб келинмоқда.

Молиявий муассаса филиаллари томонидан пул муомаласини барқарорлаштириш, пул маблағларининг банддан ташқари айланмасини қисқартириш бўйича катор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бугунги кунда электрон ҳамён — пластик карточкалар тобора оммаланиб, наманганликлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораёпти. Улар пластик карточкалар наинки ҳисоб-китобнинг қулай усули, балки ўз даромадларини оширишнинг молиявий воситаси эканлигини ҳам аллақачон тушуниб етишган. Филиаллар томонидан 1 июль ҳолатига кўра салкам 70 мингта электрон ҳамён муомаласига чиқарилган, уларнинг соҳибларига хизмат кўрсатуви терминаллар сони ҳам ортмоқда. Ҳозиргача 404 та терминал ўрнатилган. Банк-

**Алишер РЎЗИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

# Равшан ЭРМАТОВ: «Халқимиз ишончини оқлаганимиздан бахтиёрмиз»

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ФИФА жаҳон чемпионати учрашувларини бошқариш учун 26 давлатдан 29 та ҳакамлар гуруҳини таклиф этганди. Улар орасида МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларидан иштирок этган ягона бош ҳакам Равшан Эрматов (лайнсменлар — Рафаэль Илёсов ҳамда киргизистонлик Баҳодир Қўқоров) ўйинларни ишончи ва адолатли бошқаргани билан барчанинг эътиборини қозонди. Пировардида ўзбек ўғлини XIX жаҳон чемпионатида энг кўп, яъни бешта учрашувга бош ҳакам этиб тайинланди. Яна бир ўйинда эса захирадаги ҳакам вазифасини аъло даражада бажарди. Энг муҳими, иқтидорли ҳакамларимиз Равшан Эрматов ҳамда Рафаэль Илёсов бир ой давомида етти иқлим нигоҳида турган жаҳон чемпионатидаги ёрқин фаолиятлари билан Мустақил Ўзбекистон номини дунёга овоза қилдилар. Ватанимизда миллионлар ўйини нечоғли эъзозлашти ва кадрланишини, юртимиз футбол мамлакатига айлана бораётганини бутун оламга кўз-кўз этишди.



— Агар ҳакам учрашув чоғида асабилаша, ортиқча даражада ҳаяжонланса, ўз ишини маромига етказма олмайди. Шу боис, чемпионат мобайнида бу борада муаммага дуч келмади. Ҳакам ҳам футболнинг бир бўлаги саналади. Одам ҳеч иш қилмаса, хато ҳам қилмайди. Узлуксиз фаолиятда эса хато ва камчиликлар бўлади. Ҳамма адашади — ўйинчилар ҳам, мураббийлар ҳам, ҳакамлар ҳам. Менимча, биз иштирок этган учрашувларда жиддий хатога йўл қўйилмади.

— Жаҳон чемпионатида дунёнинг номдор футболчилари тўп суришди. Сиз улар билан яқиндан танишиб, суҳбатлашдингизми?

— Афсуски, бунинг иложи бўлмади. Мусобақа давомида биз доимий машғулотлар ва иш билан банд бўлдик. Фақатгина ўзимиз катнашган учрашувларда улар билан қисқача мулоқот қилдик, ҳоло.

— Кўпчилик сизнинг финал баҳсини бошқаршингизни кутганди...

— Аммо мен ҳал қилувчи ўйинни бошқаришга умид қилмаганим. Чунки ўттиз икки йил ҳакамга финални ишончи топириш қийин...

— Мусобақа тугагач, жаҳон чемпионатининг турли номинациялар бўйича голиблари аниқланди. Аммо ҳакамлар ўртасида энг яхшилар номини тилга олинмади. Бунга нима дейсиз?

— Шу кунгача ўтган бошқа жаҳон чемпионатларида ҳам бу йўналишда соврин таъсис этилган эмас. Шунинг учун бун-

га унчалик аҳамият берганим йўқ. Менимча, ФИФА йил якунида бутунжаҳон ҳакамлари рейтингини эълон қилади. Ушунда энг яхши ҳакам ким эканини билиб олам, аҳам эмас.

— Кейинги режаларингиз қандай?

— Мана, навбатдаги жаҳон чемпионати ортада қолди. Лекин ҳаёт давом этмоқда. Бир оз дам олгач, яна ишга шўнғийми. Олдинда мамлакат чемпионати, Ўзбекистон кубоғи учрашувлари кутиб турибди. Қолаверса, ФИФА ва ОФК тасаруфидagi халқаро мусобақалар бор. Шунинг учун ўз устимизда жиддий ишлаб, маҳоратимизни янада оширишга ҳаракат қиламиз.

Рафаэль Илёсов, ФИФА лайсмени:

— ФИФА йил бошида мусобақада иштирок этадиган ҳакамлар гуруҳларини эълон қилгач, лайсменлар рўйхатида ўз исми шарифини кўриб, жуда ҳаяжонланган эдим. Чемпионат бошлангач, ҳаяжон ўрнини катта масъулият эгаллади. Ҳар бир учрашув чоғида ортимизда Ўзбекистон халқи умид ва ишонч билан қараб турганини ҳис этиб, майдонга чиқдик. Ҳозир ана шу умид ва ишонч оқлаганимиздан жуда хурсандман. Чемпионат якунида ФИФА раҳбарлари ва мутахассислари гуруҳимиз ишини ижобий баҳолганини кўриб, ўзимизга бўлган ишонч янада ортди. Бу эса бизни бундан кейин ҳам зўр гайрат-шижоат билан ишлашга ва изланишга ундайди.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

# Болаларга спорт маскани

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида 180 ўринли ўқув биноси ҳамда 75 ўринли ётоқхона фойдаланишга топширилган бўлса, Баркамол авлод йилида муҳташам спорт маскани ёшлар ихтиёрига берилди

2010 йил — Баркамол авлод йили

Шўрчи туманидаги 122-кар болалар махсус мактаб-интернатида 352 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олади. Мавжуд 37 та синф ўқувчиларига барча шарт-шароит яратилган. Болаларнинг ўқитишда замонавий техникадан фойдаланилмоқда. Эшитишда нуқсонли бўлган ҳамда жисмоний имконияти чекланган болаларни касбга йўналтириш бўйича иккита дурдгорлик устaxonаси, қизлар учун тикувчилик хонаси фаолият юритмоқда. 12 та замонавий тикув машиналари, кутубхона улар ихтиёрида.



Ёшлар дарсдан бўш вақтларида футбол, волейбол, баскетбол, кураш, шохмат-шашка, тўқувчилик, зардўзлик, ракс тўғарақларида иштирок этадилар. Ётоқхоналарни кўрган кишининг ҳаваси келади. Замонавий русумдаги совутигидан рангли телевизоргача муҳайё. 82 ўринли ошхонада тайёрланаётган сифатли таомлардан тарбия топаётганлар мамнун. 5 нафар врач ҳамда ҳамширалар болаларнинг соғлиқларини муҳофаза этиб келади.

Ўтган йили бу даргоҳнинг 1820 ўринли ўқув биноси ҳамда 75 ўринли ётоқхонаси тубдан қайта таъмирланди. Баркамол авлод йилида мактаб-интернатдаги спорт залининг фойдаланишга топширилиши янада қувончи воқеа бўлди. Энди болалар спортнинг бир неча тури бўйича шуғулланиш имконига эга.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

# Эътибор ва ғамхўрлик

ёш авлод истиқболини белгилайди

Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир!

■ Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига биноан мамлакатимизда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Бунинг мисолини, жумладан, Самарқанд шаҳрида ҳам кўриш мумкин.

— Шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 65 та мактаб бўлиб, улардан иккитаси бошланғич, тўрттаси ихтисослашган, биттаси ёрдамчи, биттаси йўлдош, биттаси тарбияси оғир болаларни реабилитация қилиш ва касбга йўналтириш махсус мактаб-интернатларидир, — дейди шаҳар халқ таълими бўлими бошлиғи Мухиба БО-НОБЕКОВА. — Мактабларимизда ўқитиш бир нечта, яъни ўзбек, рус ва тожик тилларида олиб борилади. Шаҳримиз мактабларида жами 58 миң 39 нафар ўқувчи таҳсил олади.

Дастурга мувофиқ шаҳардаги умумтаълим мактаблари биноларининг 7 таси капитал реконструкция қилинди, 17 таси капитал таъмирдан чиқарилди, 24 таси эса жорий таъмирланди. Ҳозирги вақтда 5 та умумтаълим мактабиде капитал реконструкция, қолганларида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг 2008 йилдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига биноан шаҳримиздаги 1-мусиқа мактабининг биноси замонавий андозалар асосида қайта қурил-

моқда ва уни зарур қолғу-асбоблари, жиҳозлар билан таъминлаш учун буюртма бериб қўйилди. 4- ва 6-мусиқа мактабларида эса реконструкция ишлари жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда.

Ўқувчилар назарий билимларини амалиётда қўллаб таҳсил олишлари учун мактабларда 42 та физика, 29 та кимё-биология лабораторияларига ўқув-услуғий жиҳозлар ўрнатилган, 14 та мактаб энг сўнгги русумдаги компьютерлар билан таъминланди.

Ўқувчиларнинг жисмоний жиҳатдан чинқиқиб, соғлом вояга етишлари учун болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан барча қўлайликларга эга бўлган 3 та спорт иншооти қуриб фойдаланишга топширилди. Реконструкция қилинган мактаблардаги мавжуд спорт заллари замон талаби даражасида таъмирланди, янги спорт зали қуриб берилди.

Ўтган йили Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақаларида ўқувчиларимиз жами 34 та медални қўлга киритди. Шундан 2 таси олтин, 13 таси кумуш, 19 таси бронза медалларидир.

Бундан ташқари, шаҳар халқ таълими бўлими ёзги таълини мазмуни ташкил этиш учун 1720 нафар ўқувчига ёзги оромгоҳларга йўлланма берди.

2010-2011 ўқув йилида ўқувчиларга янги йўналиш ва ноанъанавий усуллардан фойдаланган ҳолда таълим бериш сифатини яхшилаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш мақсадида жойларда ўқитувчи-мураббийлар иштирокида шўба йигилишлари ва анжуманлар ўтказилмоқда. Унда билдирилётган фикр-мулоҳазалар, таклифларни ўрганиб, янги ўқув йилида илғор тажрибаларни татбиқ этиб борамиз.

Бежиз «Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир», деб айтилмайди. Дарҳақиқат, Баркамол авлод тарбияси кўп жиҳатдан мактаблардаги таълим ислохотларига ва бу борада белги-ланган дастурларнинг бекаму-қўст бажарилишига боғлиқ.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Бутун умр «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятида ишлаган фидойи журналист, ҳамкасбимиз Юнус Зиёдов ҳақида гап кетганда энг аввало унинг инсоний фазилатлари олоҳида ҳурмат билан таъкидланади. Чиндан ҳам Юнус ака таҳририятимизда 53 йилдан зиёд вақт мобайнида қанча авлодлар билан елкама-елка меҳнат қилди. Олдинга шогирд сифатида устозлардан сабоқ олди. Ижтимоий-иқтисодий мавзуларда қатор мақолалар ёзди. Кейинчалик устоз бўлиб, ёшларга ҳаёт ва иш тажрибаларини ўргатди. У сўнгги пайтларда барчамизга ибрат бўладиган воқеа ва ҳодисаларни қуюнчақлик билан қозоғга тушираётганди. Таҳририятта бир кун келмай қолса, ҳаловатини йўқотадиган Юнус Зиёдов вафот этишини икки кун олдин ушбу мақоласини ёзиб, бўлимига топширган эди. Ушунда у ҳам, биз ҳам бу устознинг сўнгги битикларидан бири эканлигини билмаган эдик. Ёши етмишдан ошган бўлишига қарамасдан руҳи тетик, ҳамиша камтар, доим меҳрибон, ҳамкасблари, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар оладиган қуюнчақ дўст, содиқ биродар афсуски, энди орамизда йўқ. Лекин унинг инсонийлик амаллари, фазилатлари, одамгарчилиги, фидойилиги, форзандпарвар, юртпарварлиги уни билган, кўрган дўстлари, яқинлари, ҳамкасблари, хотирасида бир умр қолади.

ТАҲРИРИЯТ

# НОННИНГ УШОФИ ҲАМ НОН

Мулоҳаза ■ Кунлардан бир кун Мирзо Улуғбек арқони давлати билан йўлда кетаётиб, нигоҳи ноғохон бир бурда нонга тушди. У шу заҳоти отдан тушиб нонни олди, юз-кўзига суртиб қўйинга солди. Ҳайрон бўлиб кузатаётган аъёнларига деди: «Нон олдида ҳаммамиз тенгимиз, ҳеч биримиз нондан устун бўлолмаймиз, нон олдида менинг подшолигим ҳам, олимлигим ҳам ҳеч нарса эмас».

Дарҳақиқат, дунёда барча неъматлар султони бўлган нондан улурқоч ҳеч нарса йўқ. Шукурки, халқимиз азалдан нонни эъзозлайди, тўтидек кўзига суртади. Ҳеч қачон нонни увол қилмайди. «Нон ҳам нон, ноннинг ушоғи ҳам нон», дея дастурхонга тўкилган ушқоқларини ҳам увол қилмасдан териб олади.

Ҳаммамизга яхши аён — нон ўз-ўзидан дастурхонда пайдо бўлмайди. Аввало, деҳқонларнинг машаққатли меҳнати эвазига бугдой етиштирилади. Тобига келтириб шудгор қилинган далага уруғлик донни сеппиб қўйган билан иш битмайди. Қачон уруғ ушиб чи-

ди. Чунки улар қор сувиға тўйинган доннинг бошоғи бўлиб ва тўқ бўлишини тажрибаларидан билишади.

Қор кетиб, ерга тафт иници билан галлазорда яна иш қизийди. Экин майдони такоран озиклантирилади. Бошоқлар тўлишиб, бошин эгиб салом берганда деҳқоннинг қувончини айтмайсизми?! Шунда деҳқон машаққатли меҳнатининг ҳосилини кўриб, бир нафас тин олади.

— Шу кунларга етказганинга шукур, — дейди ҳосил чўғидан кўзи қувнаб. Энди навбат ўрим-йиғимга. Шайланган техникалар ва комбайнлар ишга тушади. Дони хирмонга, сомони эса чорвага ажратилади.

Энди хирмондаги доннинг унга айланиш йўлини тасаввур этмоқ зарур. Галла торғонларда тортилиб, унга айлантирилади. Сўнг қопларда, махсус ун ташувчи агрегатларда новвойхоналарга, нон қорхоналарига ташилади.

Новвойларнинг иши ҳам осон эмас. Ҳамир қориш, уни тандирларга ёпиб, махсус мосламаларда пишириб, эл дастурхонига етказиб бериш жараёни қанча диққатни талаб қилади.

Афсуски, бу ишни йўриқномага асосан бажармаётган, ўз ишига лоқайдлик билан қараётган, фақат мўмай фойдани кўлаб иш юритаётган айрим «тадбиркор»ларни кўриб, виждонингиз қийналади. Шу донни машаққат билан етиштирган галлакорлар меҳнатига ачинаб кетасиз. Шунчақ асосан бажармаётган бўладими, тайёр маҳсулотни меъёрида пишириш қийинми?!

Эрталаб ишга кетаётган эдим. Қўшим хуноб бўлиб халтасидан тўртта нонни олиб кўрсатиб деди: «Буни қаранг, ҳам, юзи қизарган-у, орқаси етилмай тандирдан узилган».

— Нимасини айтасиз, қўшини, — дедим шундоққина хомлиғи кўриниб турган нонларга қараб. — Ҳозир ҳар қадамда нов-

войхона. Қайси куни маҳалладаги новвойхонанинг эшиги очик экан, кўзим тушиб қолди. Аҳвол жуда ночор, тартибсиз. Болам, озодаликча қарасанглар бўлмайдами, деб балога қолдим...

Шу ўринда бир гап. Наҳотки буларнинг ишини бевосита назорат қилувчилар бу ҳолатни кўриб кўрмасликча олиша?! Уволдан кўрмай, кўпнинг ризқига нисбатан қилинаётган бундай эътиборсизликча кимдир чек қўйиши керак-ку! Наҳотки улар ун элмай хамир қилинаётганини, нонлар хом-хатала пиширилаётганини қўришмайди?

Ҳукуматимиз нон ва ун маҳсулотларининг сифатини ошириш, уларни арзон нархларда аҳолига етказиб бериш учун барча чора-тадбирларни кўраётган бир вақтда, нонни хом-хатала пишириб, унни увол қилаётганлар наҳотки гуннодан чўчишмайди, деган ўйга ботсан киши.

Юнус ЗИЁДОВ

**BOSH MUHARRIR:**  
Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI:**  
Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV  
Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Ta' yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G' affor HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Muslihidin MUHIDDINOV  
Andrey KUSTOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO'LIMLAR:**  
Partiya hayoti 233-10-13  
Madaniyat va sport 233-69-45  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55  
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56  
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80  
Mas'ul ko'nb 233-72-83, 236-55-17

**VILOYAT MUXBIRLARI:**  
Andijonda 25-32-70  
Buxoroda 223-06-02  
Gulistonda 25-46-45  
Jizzaxda 227-48-35  
Navoiyda 223-83-73  
Namanganda 226-43-81  
Nukusda 222-77-21  
Samarqandda 35-02-55  
Urganchda 517-30-58  
Farg'onada 224-18-78  
Denovda 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**  
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Temur XUDOVBERDIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.  
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi bo'lgan. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshlash faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649  
8241 nusxada bosildi  
I — Tijorat materiallari  
ISSN 2010-7633  
O'zA yakuni — 21.00  
Topshirilgan vaqti — 23.45  
1 3 4 5  
Sotuvda erkin narxda